
#Тафсилот: “ЙИЛ АЁЛИ” ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ

Юксак маънавиятли, оилада ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлиш билан бирга ўзлари фаолият кўрсатаётган ташкилотлар нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган турли соҳа вакиллари бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳар жиҳатдан ибратли хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш, илғор иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган “Йил аёли” танловининг Бағдод туман босқичи ўтказилди.

Ушбу танловда иштирок этган фаол хотин-қизлар танлов низоми талаби асосидаги номинациялар бўйича 7 нафар ғолиб бўлган иштирокчилар вилоят босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга туман ҳокимлигининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

2024-11-14 19:39:03